

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

А.Р. Абдуғофаров

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан*

Хуррамов Шохжаҳон Назиржон ўғли

Ички ишлар вазирлиги Академияси 321-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимояси, охириги йилларда давлат ташаббуси билан вояга етмаганларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳамда буларнинг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог, суд-ҳуқуқ тизими, тазйиқ ва зўравонлик,

Ўзбекистон Республикаси Президентди Шавкат Мирзиёев: “Биз “Адолат – қонун усуворлигида “деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик хиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом еттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, прафилактика инспекторининг иш самараси ва маъсулятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиш бериш чораларини кўришимиз даркор”, деб такидлаб ўтди.

Қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари билан курашишгина эмас, балки унга олиб келувчи шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдан иборатдир. Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий субъектлари ҳисобланган ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлариининг фаолиятини чуқур ўрганиш ва уни янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Республикамызда мустақиллик йилларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳозирги кунда вояга етмаганларни ҳар тамонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш,иқтидорли болаларни рағбатлантириш борасидаги тадбирлар билан бир қаторда жиноят содир етган вояга етмаганларнинг ахлоқини тузатиш, уларни тўғри йўлга тушиб олиши борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусан уларни

назоратсиз ва қаровсиз қолиш ҳолатларининг олдини олиш борасида самарали профилактик ишларни амалга оширишда ички ишлар органларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. «Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди».

Юртбошимиз бу масаланинг долзарблигини таъкидлаб, шундай деган эди: «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-этибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 5050-сонли Қарорни қабул қилишда профилактика инспекторининг фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларни олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш назарда тутилган².

Ўтган қисқа давр ичида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини самарали ташкил этиш юзасидан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими изчил ислоҳ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида»ги Қарорларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш каби қатор вазифалари белгилаб берилди.

Вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш тизимини Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шавкатсиз ғоялардан ҳимоялашга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш;

Ушбу муаммоларни ечиш мақсадида ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон фармони, „Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида ги 2021 йил 02 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори ва 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори қабул қилинди ва бу норматив ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш бўйича фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммаси

га ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самародорлигини ошириш йўналишларини амалга оширишнинг энг муҳим вазифалари белгиланди жумладан:

Юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш, шахс, жамият, ва давлат ҳаётида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида Республикамизда яхлит тизим яратилган бўлиб ушбу тизимда албатта Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигидир беқиёс ўринга эгадир .

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миромонович томонидан бизнинг ички ишлар органлари тизимимизда қатор беқиёс ўзгаришлар ҳамда ислохотлар ўтказилди, масалан ички ишлар органлари ўз фаолиятида жамият ҳаётида хусусан маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонун билан белгилаб қўйилган манфаатларини ҳимоя қилишларига доир вазифаларини амалга оширишларига доир қатор ислохотлар ўтказилди.

Мамлакатимизни 2017—2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони.